

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”
КАФЕДРАСИ**

Ф.М.АМИНОВ, Л.П.МУХАМЕДЖАНОВА

***САЙЛОВЛАР - ДЕМОКРАТИЯ
КЎЗГУСИ***

(100 саволга 100 жавоб)

Б У Х О Р О – 2 0 1 6

Тузувчилар:

**Ф.М.Аминов, Л.П.Мухамеджанова. Сайловлар – демократия кўзгуси.
100 саволга 100 жавоб.-Б., БМТИ, 2015. 36 бет.**

Ушбу услубий қўлланмада Президент сайловлари, пассив сайлов ҳуқуқи, сайлов цензлари, сайлов ҳуқуқи принциплари, яширин овоз бериш принципи, сайлов округлари, сайлов участкалари, сайлов комиссиялари, сайловолди ташвиқотини ўтказиш ҳамда икки палатали парламентга сайловлар ва амалдаги сайлов қонунчилигига доир айрим муҳим масалалар савол-жавоб тарзида баён қилинган.

Шунингдек, усубий қўлланмада сайловлар тушунчаси, мазмуни, турлари, юқорида кўрсатилганидек, сайловларни ўтказиш тартиби ва асослари, ҳамда фуқароларнинг сайловларда қатнашиш тартиби, сайловчи ва номзодларга қўйиладиган талаблар ва сайловларни молиялаштириш тартиби каби масалалар ёритилган.

Услубий қўлланма сайловчилар, сайлов комиссиялари, сиёсий партия фаолияти билан қизиқувчи профессор-ўқитувчилар, талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда сайлов билан боғлиқ турли саволларга жавоб берилган.

Услубий қўлланма “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг “14” ноябрь 2016 йил №3-сонли мажлисида муҳокама қилиниб, институтнинг илмий кенгашига чоп эттириш учун тавсия қилинди.

БМТИ Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган. 6-сонли мажлис баёни. 2016 йил 16 ноябрь

Тақризчилар:

**доц.Мирзакулов Б.Т.
к.ўқит.Султонова Л.С.**

С Ў З Б О Ш И

Инсоният тарихида яратилган энг буюк илмий кашфиётлардан бири демократиядир. Демократия – ривожланиш эволюциясига эга бўлган таълимот. Демократия эволюцияси заминида бирон-бир мутафаккирнинг субъектив таълимоти эмас, адолатли бошқарувга бўлган “халқ ишончи” ётади. Демак, демократия том маънода “халқ ишончи” асосига қурилган давлат бошқарувидир. Халқ ишончига эга бўлган давлатлар тарихан ривожланган ва ҳозирда ривожланмоқда. Халқ ишончини куч ишлатиш, зўрлик қилиш, кўрқитиш билан қозониб бўлмайди, унга адолатли давлат бошқарувини ўрнатиш билангина эришиш мумкин.

Демократия халқнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасидан илгарилаб кета олмайди. У аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Шу боис демократияни сунъий тезлаштириш ёки экспорт қилиш ижтимоий тараққиёт қонуниятларига зид. Демократиянинг негизи инқилоб эмас, эволюциядир.

Халқаро ҳамжамиятда ўзини муносиб ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон ҳам бугунги кунда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидан бораёпти. Шу муносабат билан ўтказиладиган Президент сайловлари ўз мазмун-моҳиятига кўра, тарихий аҳамиятга молик бўлишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат сайлов – демократия бошқарув шакллариининг марказий интитуту ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳокимият тузилмаларини шакллантиришдаги иштироки замонавий жамиятнинг умумэтироф этилган жиҳатидир.

Демократия ва сайлов институтлари жамиятда тенглик ва эркиникни, очиқлик ва ошкораликни, фуқароларнинг давлат бошқарув ишларида ўз вкиллари орқали тштирок этишларини таъминлашда алоҳида касб этади.

Сайловлар давлат ҳокимиятини, давлат органлари фаолиятини қонунлаштирадиган, бу институтларнинг ҳам шаклланиши, ҳам фаолияти адолатли эканлигига алоҳида ишонч уйғотадиган сиёсий-ҳуқуқий қадрият ҳисобланади.

Сайловлар фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб номзодларни танлаб олиш учун ҳам имконият яратади. Ваҳоланки, бунинг натижасида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратилган бўлади. Бундай олий жаноб мақсадларга эриши учун эса барча фуқароларимиз сайловга оид қонунчилик талабларини яхши билишлари ва моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим.

Шу муносабат билан сайловлар ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштириш, бу билимларни тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгига етказиш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласидир.

Мазкур услубий кўрсатмада Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ҳақида маълумотлар савол-жавоб тарзида берилган.

1-савол. Сайловлар қачон ва қай тариқа вужудга келган?

Дастлаб, сайловлар Қадимги Рим ва Қадимги Юнонистонда вужудга келган бўлиб, унда эркин фуқароларнинг овоз беришда қатнашиши мажбурий ҳисобланган, ҳатто, бунинг учун ҳақ ҳам тўлашган. Бироқ, кейинчалик, мутлақ монархия тузуми ҳукмрон бўлгач, сайловлар бир неча юз йилларга йўқолиб кетган, чунки бу даврда давлат органларини шакллантиришда ҳеч ким иштирок этмаган ва сайлаб ҳам қўйишмаган. Сайловлар, шунга боғлиқ ҳолда, сайлов ҳуқуқи, фақат буржуа инқилоблари даврида, дастлабки конституциялар билан бир пайтда яна қайтадан вужудга кела бошлаган.

Шунинг учун ҳам сайловларни демократиянинг қадимги институтларидан биридир, десак муболаға бўлмайди.

Сайловнинг асосий ривожланиш босқичи 1789 йилдаги буюк француз инқилобидан бошланган, унда биринчи сайлов жараёни тўғрисида ҳужжат қабул қилинган. Бундан ташқари, 1789 йилда қабул қилинган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси”нинг 3-моддасида “суверен давлатнинг асоси халқ ҳисобланади деган қоида белгилаб қўйилган. Халқ манфаатидан келиб чиқмаган ҳеч қандай ташкилот ёки шахс ҳокимиятни бошқара олмайди”¹. Декларациянинг 6-моддасида эса, қонун умумхалқ ифодасидир, дейилган. Барча фуқаролар ўзлари ёки вакиллари орқали уни яратилишида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Хоҳ жазо учун, хоҳ ҳимоя учун бўлсин, у барча учун тенг бўлиши керак. Барча фуқаролар унинг олдида тенгдирлар ва шунинг учун ҳамма соҳаларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ҳозирги кунда дунёдаги барча давлатлар турли хил органларни ташкил қилиш йўли билан ўз сайловчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда эса, ҳақиқий демократик сайловлар фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин қарор топди ва бугунги кунда тараққиётнинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

2-савол. Дунёда биринчи мартаба Президент сайлови қачон ўтказилган?

1789 йилда АҚШда бўлиб ўтган Президентлик сайлови дунё амалиётидаги биринчи сайлов ҳисобланади. Бу сайловда АҚШ биринчи Президенти Жорж Вашингтон 100 фоиз овоз тўплаш йўли билан президентликка сайланган.

3-Сайловнинг луғавий маъноси нима?

Сайлов XVII асрдан бошлаб назарий онг даражасига кўтарилди. Шу ўринда сайлов деган тушунчанинг луғавий маъносига эътиборимизни қаратсак. “Сайлов” сўзининг луғавий маъноси “танлов”, “саралаш” - деган маъноларни англатади. Сайловлар – фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-иродасини

¹ К.В.Джавакова. Президент сайлови ва сиёсий партиялар. (100 савол ва 100 жавоб). Т. 2016. 22-б.

ифода этиш орқали ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантириш мезони ҳисобланади.

4-савол. Сайлов нима?

Сайлов – бу сайлов кампаниясида иштирок этиш йўли билан сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш шаклидир. Демократик сайловларнинг асосий принциплари ихтиёрийлик, даврийлик, мажбурийлик адолатлилик, ҳақиқийлик, эркинлик, очиқлик ва ошкоралик.

5-савол. Сайлов ҳуқуқининг мазмуни нимадан иборат?

Сайлов ҳуқуқи – конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти сифатида сайлов жараёнини тартибга соладиган нормалар тизими сифатида тушунилади. (Объектив маънода). Демак, сайлов ҳуқуқи – муайян бир давлатдаги вакиллик органлари ва мансабдор шахсларнинг сайланиш тартиби ва асосларини тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат

Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг вакиллик органларини шакллантиришда қатнашиш, яъни мазкур органларни сайлаш ва шу органларга сайланиш ҳуқуқидир. (Субъектив маънода).

6-савол. Сайлов ҳуқуқининг қандай манбалари бор?

Сайлов ҳуқуқи манбалари 2 гуруҳга бўлинади:

1. Ёзма манбалар: бу гуруҳга Конституция, қонунлар, қонун ости актлари киради. Сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини ўзида мустаҳкамлайдиган халқаро шартномалар ҳам сайлов ҳуқуқининг ёзма манбалари бўлиши мумкин;
2. Сайлов ҳуқуқининг ёзилмаган манбалари гуруҳга ҳуқуқий одатлар ва анъаналар киради.

7-савол. Республикамизда Президентлик институти қандай вужудга келган?

1990 йил 23 мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳлил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилди. Пленум республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни ҳаёт тақозо қилаётганлигини кўрсатиб, реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан халқ депутатлари кенгашларига берилиши, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимига таъсис этиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Президентлик институтининг жорий этилиши республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтиш даври бўлди.

8-савол. Президент сайловида кимлар сайлаш ҳуқуқига эга?

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳволига, ирқӣ ёки миллий мансублигига, жинси, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

9-савол. Кимлар Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

10-савол. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қандай сиёсий партиялар фаолият юритмоқда?

Ҳозирда Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия фаолият олиб бормоқда Улар – Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси, Халқ демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Адолат” социал демократик партияси.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, у ўз номи билан жамиятдаги тadbиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ўзида акс эттиришга ҳаракат қилади.

Ҳозирда партия аъзолари 310 мингдан зиёдни ташкил этиб, 14 та ҳудудий партия Кенгашлари, 196 та туман, шаҳар Кенгашлари ва 10282 та бошланғич партия ташкилотларига эга.

Мазкур партиядан 2014 йилги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 52 нафар номзоди депутат этиб сайланган. Шунингдек, 2015 йилги Президентлик сайловида И.А.Каримов номзоди ушбу партия томонидан кўрсатилган ва сайловда катта фарқ билан ғалаба қозонган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ташкил топган биринчи сиёсий партиялардан ҳисобланади. Партияга 1991 йилда асос солинган. ХДП асосан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қимини қўллаб-қувватлайди ва давлат ривожланишида ижтимоийликни ҳисобга олишни устувор деб ҳисоблайди. Ҳозирда мазкур партия аъзолари 424,5 мингдан кўпроқни ташкил этади.

Партия 14 та ҳудудий, 95 та туман ва шаҳар ҳамда 9955 та бошланғич партия ташкилотларига эга.

2014 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 та депутатлик ўрнини банд этган. Шунингдек, 2015 йилги Президентлик сайловида Х.А.Кетмонов номзоди ушбу партия томонидан кўрсатилган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” социал демократик партияси 2008 йилда “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партиясининг бирлашуви негизида ташкил этилган. Партия жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламарига мансуб бўлган, миллий манфаатларни устувор қўйган ҳамда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда, юртнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигин оширишда онгли ва масъулиятли тарзда иштирок этувчи мамлакатимиз фуқароларини ихтиёрий асосда бирлаштиради.

Партия 14 та ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) 29 та шаҳар ва 171 та туман Кенгашларига эга.

Ҳозирда партия аъзолари сони 190 мингга яқинни ташкил этиб, 5578дан ортиқ бошланғич партия ташкилотларига эга.

2014 йилги сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар 36 нафарни ташкил этган. Шунингдек, 2015 йилги Президентлик сайловида А.Х.Саидов номзоди ушбу партия томонидан кўрсатилган.

Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси – 1995 йил 18 февралда партиянинг Биринчи таъсис Курултойида тузилган.

Партиянинг асосий мақсади – мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқларини ва эркини, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини таъминлашдир.

Партия 14 та ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) 193 та шаҳар ва туманларда маҳаллий Кенгашларига эга.

Ҳозирда партия 135 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган 3700 дан зиёд бошланғич партия ташкилотларига эга.

2014 йилги сайловларда партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 20 нафар депутат сайланган. Шунингдек, 2015 йилги Президентлик сайловида Н.М.Умаров номзоди ушбу партия томонидан кўрсатилган.

11-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида 70 кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

- сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза;
- Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентиликка бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

12-савол. Сийсий партия хужжатлар тақдим этилганидан кейин қанча муддатда сайловда иштирок этишига рухсат олади?

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатлар асосида 5 кунлик муддат ичида сийсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сийсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради.

13-савол. Сайловларнинг қандай турлари мавжуд?

I. Сайловлар, кўпинча ўтказиладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда таснифланиб, қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- умуммиллий сайловлар, бунда сайловлар бутун мамлакат миқёсида ўтказилади;
- минтақавий сайловлар, бунда сайловлар йирик маъмурий бўлинмалар миқёсида ўтказилади;
- маҳаллий сайловлар, муайян маъмурий-ҳудудий бўлинма (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча) миқёсида ўтказиладиган сайловлар.

II. Сайловлар фуқароларнинг ўз хохиш-иродасини ифода этишларига боғлиқ ҳолда, тўғри (бевосита) ва эгри (поғонали-билвосита) сайловларга бўлинади:

- **тўғри сайловлар** – аниқ бир шахснинг муайян бир лавозимга фуқаролар томонидан бевосита сайлаб қўйилишидир. Қатор давлатларда, Франция, Миср, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда, Президент бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилади.
- **эгри сайловлар**, яъни поғонали сайловларда, сайловчиларнинг хохиш-иродаси бевосита ўзлари томонидан эмас, балки сайловчилар гуруҳи ёки ҳаракатдаги сайлов органи орқали амалга оширилади. Эгри сайловлар, АҚШда мамлакат Президентини сайлашда, ҳозирга қадар, расман қўлланиб келинмоқда.

Эгри сайловларнинг ҳам икки тури мавжуд:

- **билвосита сайловлар**, бунда сайловчилар ўз хохиш-иродалари орқали махсус сайловчиларни, ишончли вакиллар ҳайъатини сайлашади, улар, кейинчалик, ўзлари сайлаган сайловчилар номидан, бевосита конкрет шахсни муайян лавозимга сайлайдилар. Масалан, АҚШ Президенти сайлови.
- **кўппоғонали сайловлар** – бунда сайловчиларнинг иродасини ифодаловчи сифатида сайловчилар гуруҳи эмас, балки доимий равишда фаолият юритувчи орган, жумладан, маҳаллий Кенгашлар, Парламент ёки Парламентнинг биронта палатаси чиқади. (Италий, Хитой ва бошқа давлатлар...).

III. Сайловлар навбатдаги ва набатдан ташқари сайловларга бўлинади:

- навбатдаги сайловлар – муайян бир сайлаб қўйган органнинг ваколат муддати тугаши муносабати билан ўтказиладиган сайловлардир, яъни қонунда белгиланган муддат тугаши муносабати

билан ўтказиладиган сайловлар (Франция, Ўзбекистон Президентининг ваколати муддати - 7 йил, АҚШ ва Россия Президентларининг ваколатлари 4 йил).

- навбатдан ташқари (муддатдан олдин) сайловлар, бунда мансабдор шахснинг ўрни бўшаб қолганда ёки вакиллик органи – парламент муддатида олдин тарқатиб юборилганда, ўтказилиши мумкин.

IV. Сайловларнинг қўшимча ва қисман сайловлар каби турлари мавжуд:

- қўшимча сайловлар, мабодо, коллегиял органда бўш жой пайдо бўлиб қолса, шу ҳолда ўтказилади (касалик, ўлим, ёки ўз ихтиёри билан кетиш каби ҳолатлар натижасида) (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 47-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатида олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилиши белгиланган).
- қисман сайловлар эса, қўшимча сайловлардан фарқ қилган ҳолда, қонунда назарда тутилган ва мажбурий характерга эга бўлган бўлиб, улар коллегиял сайлаб қўйиладиган орган таркибини қисман янгилаш (ротация) мақсадида ўтказилади. (АҚШ сенати таркиби ҳар икки йилда қисман янгиланади).

14-савол. “Абсентизм” атамасининг маъноси нима?

“Абсентизм” сўзи инглизча “absent” сўзидан олинган бўлиб, келмаганлик, ҳозир бўлмаганлик деган маъноларни билдиради. Бу атама фуқароларнинг сайловларда ихтиёрий қатнашмаслик ҳуқуқини англатади. Бу ҳолат хусусан, АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларида кўпроқ кузатилади.

15- савол. Президент сайловлари деганда, нима тушунилади?

Президент сайловлари деганда, номзод учун фуқаролар ўз овозларини берадиган, қонун томонидан белгиланган давлат ҳуқуқий жараёни тушунилади. Бу жараён якунида давлат бошлиғи – Президент сайланади. Ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда фуқаро давлат бошқаруви фаолиятининг бевосита иштирокчисига айланади.

16-савол. Қайси ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига оид сайлов қонунчилигининг асосий манбалари ҳисобланади?

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатлари тўғрисида”ги 1994 йил 5 майдаги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги 1991 йил 18 ноябрдаги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги 2002 йил 4 апрелдаги Конституциявий Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги 2012 йил 9 апрелдаги Конституциявий Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги 1988 йил 30 апрелдаги Қонуни.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларни тартибга солинишида бир қатор бошқа қонун ҳужжатларидан ҳам фойдаланилади. Улар сайлов ҳуқуқи институтларининг айримларини тартибга солиб, сайлов жараёнининг муайян жиҳатларини тизимлаштиради (сайловда иштирок этган сиёсий партиялар мақоми, оммавий ахборот воситаларининг сайловолди тарғиботи билан боғлиқ фаолияти, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик².

17-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари нима учун 2016 йил 4 декабрь куни ўтказилади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги 8-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қилди. Мазкур сайловлар навбатдан ташқари сайловлар ҳисобланади³.

18. Ўзбекистон Президенти сайловларини ким эълон қилади ва унинг муддатини ким белгилайди?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ҳамда “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампаниясини эълон қилади ва сайлов муддатини белгилайди.

19-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти қанча муддатга сайланади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига асосан Президент 5 йил муддатга сайланади.

² Г.Р.Маликова.Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари: Саволлар ва жавоблар. Т. 2015. 4-б.

³ Г.Р.Маликова.Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари: Саволлар ва жавоблар. Т. 2016. 4-б.

20-савол. *Актив сайлов ҳуқуқи деганда, нима тушунилади?*

Актив сайлов ҳуқуқи деганда, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда йлови референдумда иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, фуқароларнинг актив сайлов ҳуқуқлари 18 ёшга тўлганларидан сўнг пайдо бўлади.

21-савол. *Пассив сайлов ҳуқуқи деганда, нима тушунилади?*

Пассив сайлов ҳуқуқи деганда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи, яъни номзодларини илгари суриш ҳуқуқи тушунилади. Мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида – 35 ёшдан;
- Олий Мажлис депутатлари сайловларида – 25 ёшдан;
- вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайловларда – 21 ёшдан эътиборан берилади.

22-савол. *Сайлов цензлари деганда, нима тушунилади?*

Сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳар бир фуқаро рия қилиши зарур бўлган, қонун томонидан белгиланган шартлар сайлов цензи ҳисобланади. Сайлов цензлари ҳам актив, ҳам пассив сайлов ҳуқуқлари учун белгиланган. Айрим ҳолатларда улар бир-бирига ўхшаш бўлса, бошқаларида – аксинча. Ўхшаш томони шундаки, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида пассив сайлов ҳуқуқига нисбатан бир нечта сайлов цензлари қўлланилади: ёшга доир (35 ёш), ўтроқлик (президентликка номзод Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сайловларгача 10 йилдан кам бўлмаган муддат давомида истиқомат қилиши лозим), давлат тилини билишга доир (президентликка номзод давлат тилида бемалол сўзлаша олиши зарур).

23-савол. *Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланиши мумкинми?*

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган сайловларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган шахсларгина иштирок этиши мумкин. Демак, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва ушбу лавозимга номзодини илгари суришда, яъни сайланишда иштирок эта олмайдилар.

24-савол. *Сайлов ҳуқуқи принциплари деганда, нима тушунилади?*

Сайлов ҳуқуқи принциплари деганда, қонун томонидан белгиланган, актив ва пассив сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни

таъминловчи, демократик сайловларнинг ўтказилишини ташкил этувчи бошланғич асослар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари: умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқларидир.

25-савол. Умумий сайлов ҳуқуқи деганда, нима тушунилади?

Умумий сайлов ҳуқуқи деганда, Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқларидан кенг кўламдаги шахслар фойдаланиши мумкинлиги тушунилади. Бунда, турли демократик давлатларда тан олинган ва сайловларнинг вакиллик характери камситмайдиган муайян чекловларга йўл қўйилади.

26-савол. Тенг сайлов ҳуқуқи принципи деганда, нима тушунилади?

Тенг сайлов ҳуқуқи принципининг уч таркибий қисми мавжуд:

1. Сайлов жараёнининг барча субъектлари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланади;
2. Ҳар бир сайловчи сайловларда тенг миқдорда овозга эга бўлади;
3. Сайловларда фуқароларнинг тенг вакиллиги, яъни сайлов округларини ташкил этишда бир нафар депутатлик мандатига тахминан тенг миқдордаги сайловчилар таъминланади.

27-савол. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи деганда, нима тушунилади?

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи деганда, актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро сайловларда шахсан, яъни бевосита ўз хоҳиш-иҳоди билдириб, ҳокимият органларидаги ўз манфаатларини белгилаб олган ҳолда иштирок этиши тушунилади.

28-савол. Яширин овоз бериш принципи деганда, нима тушунилади?

Яширин овоз беришнинг моҳияти сайловчиларнинг хоҳиш истагини билдиришга нисбатан назоратга йўл қўймасликдан иборатдир. Яъни, сайловчининг овоз бериш натижалари яширинлиги, сайлов бюллетенини ўзга шахслар кириши ман этилган кабиналарда ёки махсус жиҳозланган бошқа жойларда тўлдирилиши амалга оширилган ҳолда таъминланади.

29-савол. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини ташкил қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши мумкинми?

Ҳа, мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг норма ижодкорлигига доир фаолияти қонуности характериға эга бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 9-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси ўз

ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, бу қарорлар Раис томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилиниши лозим.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-3 моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссиясининг қарорларини ижро этмаслик учун жарима белгиланган.

30-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини тартибга солишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг аҳамияти қандай?

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида сайлов борасида ратификация қилган халқаро принцип ва стандартларнигина тан олади. Ўзбекистон “*Pacta sunt servanda!*” – “Шартномалар ижро этилиши шарт!” принципига риоя қилган ҳолда, халқаро шартномаларни миллий сайлов қонунчилигига имплементация қилиш орқали халқаро мажбуриятларни бажармоқда. Булар:

- очиқ ва ошкора, эркин, ҳақиқий ва адолатли сайловларни ўтказиш;
- сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилиши;
- давлат томонидан сайлов жараёни ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайлов кампанияларини молиялаштирилиши;
- сайлов жараёни ва тарғибот фаолиятининг давлат ахборот тизими томонидан қўллаб-қувватланиши;
- сайлов жараёнида миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштироки;
- фуқароларнинг сайловларга доир ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят бериш ва жавобгарликка тортилиш масалалари;
- камситиш деб ҳисобланмайдиган чора-тадбирларни қўллаш.

31-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида хорижий мамлакатларда истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок эта оладиларми?

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши мумкин”лигига доир норма мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларда 46 нафар дипломатик ваколатхонаси мавжуд. 44 та сайлов участкаси хорижий мамлакатларнинг ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган бўлиб, хорижий мамлакатларда истиқомат қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мазкур сайлов участкаларида овоз бериш ва шу орқали давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

32-савол. Сайлов округи деганда, нима тушунилади?

Сайлов округи президентликка номзод сайланадиган ҳудуд ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат бир шахсгина сайланишини эътиборга олган ҳолда, президентликка сайловлар ягона сайлов округи бўйича амалга оширилади. Уларга маъмурий-ҳудудий бирлик хизмат қилади.

Ягона сайлов округи деб аталишининг сабаби, у сайлов жараёни ўтказиладиган бутун ҳудудни қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда ягона сайлов округи республиканинг 12 та вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган. Жами улар – 14 та.

33-савол. Сайлов участкалари деганда, нима тушунилади?

Сайлов округлари, одатда, сайлов участкаларига – фуқароларнинг сайлов жараёнларини амалга ошириш учун борадиган ва овоз берадиган муайян ҳудудларга бўлинади. Сайлов участкаси – битта овоз бериш пунктига хизмат кўрсатадиган ҳудудий бирлик. Одатда, мазкур пунктлар аҳоли қатнови учун қулай бўлган жойларда: мактаб, лицей, коллеж бинолари ва бошқа жамоат жойларида ташкил этилади. Бу умумжаҳон анъанасига хос.

34-савол. Сайлов комиссиялари нима мақсадда ташкил этилади?

Сайлов комиссиялари – сайловни ташкил этувчи органлар бўлиб, уларнинг ўтказилиши ва натижаларнинг умумлаштирилишини назорат қиладилар. Сайлов комиссияси зиммасига бутун сайлов жараёнини бошқариш юклатилган. Улар марказий, округ ва участка комиссияларидан иборат.

35-савол. Сайлов комиссиялари аъзолари учун қандай чекловлар мавжуд?

Замонавий демократик сайловларни ташкил этиш юзасидан жаҳон стандартлари даражасида эътироф этилган андозалардан бири сайлов органлари (комиссиялар)нинг ўз ваколати доирасидаги эркинлиги ва мустақиллигидир. Шундан келиб чиқиб, қонунчилик томонидан баъзи чекловлар ўрнатилган. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига биноан:

- сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас;
- бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

36-савол. Сайлов комиссияларининг йиғилишларида кимлар иштирок этиши мумкин?

Сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини ва ишларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг йиғилишларида сиёсий партия вакиллари, оммавий ахборот воситалари, бошқа давлат, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари иштирок этишлари мумкин.

37-савол. Қандай масалалар сайлов тортишувлари предмети бўлиб ҳисобланади?

Сайлов тортишувлари предмети сифатида жиноий ва маъмурий характерга оид масалалар бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддаси сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш учун жавобгарликни белгилайди. Жиноят кодексининг 147-моддаси Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг сайловларда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик масалаларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қатор моддалари қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарималар кўринишида жавобгарликни белгилаган:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашиш (51-2);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик (51-3);
- номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш (51-4);
- сайловолди ташвиқотини, олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш (51-5);
- номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш (51-6);
- сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (51-7);
- сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш (51-8);
- жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш (51-9).

38-савол. Сайловчилар рўйхатлари қандай тузилади?

Фуқаронинг овоз бериши учун унинг барча белгиланган цензларга тўғри келишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун у сайловчилар рўйхатига киритилиши лозим.

Ўзбекистонда давлат томонидан рўйхатга олинишнинг мажбурий тизими жорий этилган. У деярли барча сайловчиларни қамраб олиб, сайловчилар салоҳиятининг ҳисобини юритишга ёрдам беради ва сайловларни қалбакилаштириш ҳолатларининг олдини олади. Сайловчилар рўйхатлари, одатда, муайян ҳудуддаги фуқаролар йиғини органлари тақдим этган маълумотларга асосланган ҳолда участка сайлов комиссиялари томонидан шакллантирилади. Сайловчилар рўйхатига сайловгача ёхуд сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритиладилар. Фуқаронинг ички ишлар органлари томонидан белгиланган муайян ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши сайловчилар рўйхатига киритилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рўйхатга олиш, юридик ҳолат сифатида, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Ҳарбий қисмларда жойлашган ҳарбий хизматдаги сайловчилар ва уларнинг шу ҳудудда истиқомат қилаётган оилаларининг рўйхати ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар, умумий асосларда, истиқомат жойлари бўйича тузиладиган сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларидаги сайловчилар рўйхати ушбу муассаса раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

39-савол. Президентликка номзодларни илгари суриш қандай амалга оширилади?

Сайлов жараёнини тартибга солувчи қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида сиёсий партиялар сиёсий ва сайлов жараёнининг асосий субъектига айланди. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни мустақил равишда илгари суриш ҳуқуқига эга бўлган ягона жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтамиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

- сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари.

40-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ким рўйхатга олади?

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни уларнинг белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлари асосида рўйхатга олади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади.

41-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларини йиғиш нима мақсадда амалга оширилади?

Номзодларни илгари суриш – маълум бир вақтни талаб этувчи жараён. Ҳокимият тепасига келувчи шахсни дастлаб белгилаб олиш – номзодни

илгари суриш жараёнининг бошланғич босқичи ҳисобланиб, номзодни рўйхатга олиш билан боғлиқ бир қанча ҳаракатлардан иборат. Сиёсий партиялар томонидан Марказий сайлов комиссияси хабардор қилиниб, ундан белгиланган тартибдаги тасдиқ олинishi билан уларни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг муайян миқдордаги имзолари тўпланади. Ушбу ҳаракатлар сайловчилар учун нотаниш бўлган, уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмаган, шуҳратпараст ва жамият манфаатлари учун фойдасиз бўлган тасодифий шахсларнинг номзоди илгари сурилмаслигига қарши қаратилган.

Имзоларни тўплаш – анъанавий, аввалги сайловларда синовдан ўтган жараён. Бу ниҳоятда мураккабдир. Шу билан бир қаторда шуни назарда тутиш лозимки, имзоларни тўплаш - дастлабки куч синовлари, номзоднинг омма орасидаги ҳақиқий машхурлигини ва овоз беришда уни қўллаб-қувватлаш эҳтимолини аниқлаш. Имзоларни тўплаш жараёнининг якуний натижалари ҳали рўйхатга олинмаган номзодга рўйхатга олинганлик мақомига ўтиш ҳуқуқини беради. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзолари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сони 21.435.009 та эканлигини инобатга олган ҳолда, битта маъмурий-ҳудудий бирликка ўрта ҳисобда 1.531.072 дан зиёд шахс тўғри келади, умумий ҳисобда у актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг бир миллиондан зиёдини ташкил этади.

Демак, ҳар бир сиёсий партия ўз номзодини қўллаб-қувватлаши учун 214.000⁴ дан ортиқ имзоларини тўплаши зарур.

42-савол. Имзо варақалари мазмунига оид махсус талаблар мавжудми?

Ҳар бир имзо варақасида сайловчилар ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилени, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатиши лозим. Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилишидан олдин тўплаган сайловчилар имзолари ҳисобга олинмайди.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, яшаш жойи манзилени, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди. Шуни эътиборга олиш керакки,

⁴ Г.Р.Маликова. Ўзбекистон Республикаси Президенти: саоллар ва жавоблар. Т. 2016. 17-б.

тўпланган имзолар, уларни имзолаган сайловчиларнинг актив сайлов ҳуқуқига эга бўлганидагина, ҳақиқий ҳисобланади.

43-савол. Имзо варақасидаги маълумотлар сайловчи томонидан шахсан тўлдирилиши шартми?

Ҳа, шарт. Сайловчи ўз имзосини ва имзо варақаси тўлдирилган санани, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни (фамилияси, исми, отасининг исми) шахсан киритиши зарур.

44-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни рад этиш мумкинми?

Ҳа, мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, бундай асослар қуйидагилардан иборат:

- қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;
- ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

45-савол. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни номзодлик мақомидан маҳрум қилиши мумкинми?

Мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг номзодлик мақомини қуйидаги сабабларга асосан маҳрум қилиши мумкин:

- агар сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритган тақдирда;
- рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тугатган тақдирда;
- ҳар иккала ҳолатда субъектлар – сиёсий партия ва рўйхатга олинган номзод – шу каби ариза билан Марказий сайлов комиссиясига сайловга кечи билан етти кун қолганда мурожаат этишлари мумкин.

46-савол. Президент сайловлари қандай молиялаштирилади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёни билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Қонунчилик томонидан белгиланган ушбу норма Бюджет кодекси ва тармоқ қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 8 бандининг 70-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов

комиссиясининг харажатлари сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш, шу жумладан округ ва участка сайлов комиссияларини, сиёсий партияларни молиялаштиришдан ташкил топади. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

47-савол. Президентликка номзодларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш деганда, нима тушунилади?

Президентликка номзодларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш деганда, ташвиқот, ахборот ва бошқа фаолият турларининг молиявий таъминоти назарда тутилади.

Сайлов кампаниясини молиялаштириш президентликка номзодларнинг мустақил рақобатчилик фаолиятига моддий асос ҳисобланади. Мазкур бюджет маблағлари сайлов комиссиялари томонидан сайлов жараёни доирасидаги ташкилий фаолиятни молиялаштириш, номзодларнинг сайловлардаги тенг ҳуқуқли иштироки учун шароитлар яратишни таъминлаш мақсадида сарфланади.

48-савол. Президентликка номзодлар сайлов кампанияси даврида ўз шахсий маблағларидан фойдаланишлари мумкинми?

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади” ифодасидаги императив нормани мустаҳкамлаган. Демак, президентликка номзод сайлов кампанияси даврида ўзининг шахсий маблағларидан фойдалана олмайди.

49-савол. Сайловолди ташвиқоти деганда, нима тушунилади?

Президентликка номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланади. Сайловолди ташвиқоти жараёнида ҳар бир номзод ўз сайловолди дастурининг афзалликларини ёритиб бериш ва шу тариқа сайловчилар ҳурматиغا сазовор бўлиш мақсадини ўз олдига қўяди. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг ташвиқот фаолияти максимал даражада самарали бўлиши учун улар замонавий коммуникация технологияларидан ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш имкониятига эгалар. Сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодлар, фикрлар хилма-хиллигини намоён этган ҳолда, турли сиёсий позицияларни ёқлаб чиқишлари мумкин. Шу боис, сайловолди ташвиқоти жараёнини ўтказиш даврида юридик ва этика нуқтаи-назаридан номаъқул нормалардан фойдаланишни чеклаш мақсадида қонунчиликда сайловолди ташвиқотини ўтказишга оид батафсил қоидалар мустаҳкамланган.

50-савол. Сайловолди ташвиқоти даври давомийлиги қандай?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади. Шундан келиб чиқиб, сайловолди ташвиқоти 2015 йилнинг 22 февраль куни бошланиб, 28 март куни тугатилади. Сайлов куни – 29 мартда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

51-савол. Сайловларда иштирок этиши муносабати билан рўйхатга олинган номзоднинг асосий иш жойидаги меҳнат стажини тўхтатилмайдими?

Йўқ, тўхтатилмайди. Сайловда иштирок этиш учун асосий иш жойидаги хизмат вазифаларидан вақтинча озод этилаётган номзод расман ўзи фаолият юритаётган корхона ёки ташкилот таркибида қолади. Унинг бу жараёндаги иштироки меҳнат стажига, номзод сифатида рўйхатга олингунга қадар эгаллаган лавозими ва мутахассислигига биноан сақланиб қолади. Номзоднинг меҳнат ҳуқуқига доир кафолатлари “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-1-моддасида ифодаланган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддаси ҳам ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шартлиги, шунингдек, ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланишига доир қоида мустаҳкамлайди. Сайлов кампанияси даврида рўйхатга олинган номзод маъмурият (иш берувчининг) ташаббусига биноан ишдан, хизматдан бўшатилиши, бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ўз хоҳишига кўра рўйхатга олинган номзод истаган пайтда ишдан бўшаши мумкин.

52-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ҳуқуқий кафолатларга эга бўладими?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар

транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

53-савол. Кимлар сайловолди ташвиқоти билан шугуллана олмайди?

Қонунчилик сайловолди ташвиқотида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни белгилаб берган. Булар:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, сиёсий партия (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодини кўрсатувчи), сиёсий партия аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари. Ушбу норманинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қолган шахслар, жумладан, номзоднинг ишончли вакиллари бўлмаган ва уни илгари сураётган сиёсий партия аъзолари ҳисобланмаган қариндош-уруғлари сайловолди ташвиқотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

54-савол. Рўйхатга олинган номзод ишончли вакиллариининг мақоми қандай?

Ишончли вакиллар номзодларнинг биринчи ёрдамчилари ҳисобланади. Ишончли вакилларни тайинлаш рўйхатга олинган номзодларнинг қонуний ҳуқуқларидир. Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олингандан сўнг номзодлар ўз ишончли вакиллариини тайинлайдилар. “Ишончли вакил” иборасининг ўзи, номзодлар сайлов кампанияси жараёнида, авваламбор, шу шахсларга ишонч билдиришларини англатади. Ишончли вакиллар ташвиқот ва бошқа турдаги фаолиятни ўз номзодлари фойдасига олиб бориб, уларнинг сайловолди дастурларини тақдим этадилар ва тушунтирадилар. Улар сайловолди йиғилишларида, сайловчилар билан учрашувларда, сайловолди баҳс ва мунозараларда иштирок этадилар.

Президентликка номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар Марказий сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтадилар.

55-савол. Сайловолди ташвиқотини ўтказиш шакллари қандай?

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига кўра, сайловолди ташвиқотининг қуйидаги асосий шакллари мустаҳкамланган:

- оммавий ахборот воситалари орқали;
- йиғилишлар ўтказиш йўли билан;
- сайловчилар учун қулай ҳисобланган бошқа шаклларда.

Бу ерда қонун билан тақиқланмаган шакллар назарда тутилади, улар турли характерга эга бўлиши мумкин: ташвиқот материалларини матбуот, аудиовизуал ва Интернет орқали чиқариш, тарқатиш. Рўйхатга олинган номзод сайловолди ташвиқотининг характерини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга. Номзодга оммавий ахборот воситалари томонидан яратилиб бериладиган имкониятларда ҳам сайловолди ташвиқоти шакли ва характерини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади: оммавий баҳс, мунозара ва

давра суҳбатларида иштирок этиш, интервью бериш, радио ва телевидениеда чиқишларни ташкил этиш, даврий нашрларда мақолалар чоп этиш ва сайловолди ташвиқотининг қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларида фойдаланиш.

56-савол. Сайловолди кампанияси иштирокчилари орасида ОАВдан фойдаланиш ҳуқуқи қандай тақсимланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгилаб берилган тартибда тенг ҳуқуқ берилган. Жумладан, даврий матбуот нашрлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг ҳажмдаги нашр майдонини, бир хил шрифт, бир хил жой ва бошқа тегишли шароитларни яратиб беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партиялар учун оммавий ахборот воситаларидаги эфир вақти ва нашр майдони бепул ажратилади. Давлат телевидениеси ва радиосида ажратилаётган бепул эфир вақти прайм-таймга тўғри келиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партиялар учун давлат матбуот нашрлари томонидан ажратилаётган ҳар ҳафталик бепул минимал нашр майдонининг ҳажми умумий ҳафталик ҳажм майдонининг 10%дан кам бўлмаган миқдорига тўғри келиши керак.

57-савол. Сайлов бюллетенида қандай маълумотлар акс эттирилиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади. Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

58-савол. Сайлов бюллетенининг матнига ўзгартириш киритишга йўл қўйиладими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Зарурият туғилганда (номзодлик мақомидан номзод маҳрум қилинганда, сиёсий партиянинг ваколати тугатилганда ёхуд номзоднинг вафоти сабабли) Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенининг матнига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

59-савол. Президент сайловлари қачон ҳақиқий эмас деб ҳисобланади?

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасига кўра, “сайлов вақтида ёхуд овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган ҳамда овоз бериш якунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан овоз бериш якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тегишлидир”.

60-савол. Такрорий сайловлар қачон ва ким томонидан белгиланади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайлов “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Тўғрисида”ги Қонунга биноан, асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади. Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

61-савол. Такрорий овоз бериш деганда, нима тушунилади?

Такрорий овоз бериш – қонунчиликда овоз беришнинг икки босқичли тизимининг мустақамланганлиги (овоз беришни икки босқичда амалга ошириш: асосий овоз бериш ва икки нафар номзод учун такрорий овоз бериш) билан ифодаланади.

Овоз беришнинг иккинчи босқичини (такрорий овоз беришни) ўтказишнинг зарур шартларидан бири – биринчи босқични ўтказиш жараёнида икки нафардан ортиқ номзодларнинг иштирок этиши ҳисобланади. Қонунчиликда сайловларнинг асосий биринчи босқичида икки нафардан ортиқ номзодлар иштирок этиб, улардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозига эга бўлмаганлиги шароитида сайловларнинг иккинчи босқичи – такрорий овоз бериш ўтказилади.

Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан

камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади. Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи ҳисобга олинмайди.

62-савол. Президент сайловларида сайловчиларнинг минимал сайлов оstonаси қандай?

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасига кўра, сайлов оstonаси сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизини ташкил қилади.

63-савол. Кузатувчилар кимлар?

Сайловлардаги кузатувчи – сиёсий партия томонидан сайлов жараёнида иштирок этиш ва сайлов комиссияси фаолиятини: овоз беришни ўтказиш, овозларни ҳисоблаш, овоз бериш натижаларининг ҳаққонийлигини текшириш ва сайлов натижаларини белгилаш ҳаракатларини кузатиш учун ваколатлантирилган шахс. Сайлов куни кузатувчиларнинг участка сайлов комиссия ва унинг аъзолари фаолияти бошланган дақиқадан эътиборан овоз бериш натижалари ҳақидаги баённома имзолангунга қадар сайлов участкасида бўлишлари амалдаги қонунчилик билан мустаҳкамланган. Кузатувчиларни сиёсий партиялар билан бир қаторда халқаро ташкилот ва ҳаракатлар ҳам тайинлаши мумкин.

64-савол. Ким сайланган Президент деб ҳисобланади?

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккитадан ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг вафоти, номзоднинг соғлиғи ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу

номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

65-савол. Президент қачон ўз лавозимига киришган ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришгунга қадар бажаради.

66-савол. Сайлов ҳуқуқининг қандай принциплари мавжуд?

- сайлов ҳуқуқининг умумийлиги принципи;
- тенг сайлов ҳуқуқи принципи;
- сайловларда эркин қатнашиш принципи;
- тўғридан-тўғри сайлов принципи;
- яширин овоз бериш принципи.

Ўзбекистонда парламентнинг Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларнинг асосий принциплари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 1-5 моддаларида мустаҳкамланган.

67-савол. Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги принципи нимани англатади?

Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги – ҳар бир мамлакатнинг руҳий жиҳатдан соғлом, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтамаётган барча фуқаролари қонунда белгиланган ҳамма сайлов ҳуқуқлари, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга эканликлари эътироф этилишидир.

68-савол. Тенг сайлов ҳуқуқи нимани англатади?

Тенг сайлов ҳуқуқи сайловларда қатнашишга ҳуқуқи бўлган барча фуқаролар ҳам сайловчи, ҳам сайланувчи сифатида тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга эканлигини англатади. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва унинг овози бошқа сайловчининг овозига тенг.

69-савол. Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш қандай мазмунга эга?

- Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партияга Бош вазир номзодини таклиф этиш ваколатини берилиши;
- Олий Мажлис ваколатига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи киритилганлиги;
- Президентни ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати Раисининг зиммасига юклатилиши кабилар киради.

70-савол. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш нимани англатади? .

- Судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби;
- Суднинг жиноят иши қўзғатиш ваколатини қонунчиликдан чиқариш;
- “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш;
- Адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатиш;
- ҳуқуқий таълим ва маърифатни жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган дастурни ишлаб чиқиш кабилар қиради.

71-савол. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш деганда нима тушунилади?

Ушбу соҳа бўйича оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги”, “Телерадиоэшиттиришлар”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари” каби тўртта янги қонун қабул қилиниши ва амалдаги 3 қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда. Ушбу қонунларда ОАВларни жамоатчилик назорати функцияси кучайтирилади.

72-савол. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш қандай мазмунга эга?

“Сайловолди ташвиқоти” тушунчасига таъриф бериш:

- сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги;
- овоз бериш кунига беш кун қолганда жамоат фикри сўровлари натижаларини, прогнозларни нашр этиш, ахборот-телекоммуникация тизимида жойлаштириш тақиқланиши тўғрисидаги нормани жорий этиш;
- экологик ҳаракатнинг қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларни иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш.

73-савол. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нимадан иборат?

“Ижтимоий шериклик”, “Жамоатчилик назорати”, “Экологик назорат” тўғрисидаги янги қонунларни қабул қилиш ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун ва “Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги Кодекс”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонунларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад – ижроия ҳокимият устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантиришдир. Шу сабаб, мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

74-савол. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш – бу нимани англатади?

Бу йўналишда мамлакатимизда 400дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлса-да, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясинимустаҳкамлаш, оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш, хусусий банклар, хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотларнинг қонуний асосларини шакллантириш кичик бизнесни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан 8 та янги қонун (“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари”, “Рақобат” қонунлари) ҳамда амалдаги 4 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш; меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

75-савол. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асосларини нималар таъкил этади?

Хавфсизлик шахс, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи, барқарорлик, тинчлик ва бунёдкорлик омилларининг мажмуини ифода этувчи тушунчадир. Ҳар қандай давлат учун фундаментал аҳамият касб этувчи хавфсизликнинг кенг маънодаги таърифи шундан иборатки, у шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички таҳдидлар, хавф-хатарлардан муҳофазаланган ҳолатидир.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини кўрсатишимиз мумкин. Конституциянинг 125, 126-моддалари бевосита хавфсизлик ва мудофаа масалаларига бағишланган бўлиб, 52, 57, 93-моддаларида бу масалаларга тааллуқли қоидалар ўз аксини топган.

76-савол. Қонун устуворлиги деганда нимани тушунасиз?

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Унда қонун ҳукмронлик қилиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари

қонун асосида яратилади. Қонун устуворлиги иқтисодий ислохотлар ҳамда мамлакат ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётининг бешта асосий тамойилларидан биридир.

“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси). Қонун устуворлиги принципини ўрганиш Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Чинакам демократия қонунларнинг устуворлиги, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, ижтимоий кафолатларнинг кучлилиги билан ифодаланади. Ҳар қандай демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, фуқароларининг ор-номуси ва кадр-қимматини, ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

77-савол. “Инсон – энг олий қадрият” ғояси қандай мазмунга эга?

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикаимизнинг миллий-давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Инсон – ижтимоий мавжудот, у муайян ижтимоий муҳитда яшайди, оиласи, меҳнат жамоасининг аъзоси, маълум ижтимоий гуруҳ, миллатнинг вакили ҳисобланади.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши шахс эркинликлари ва фаоллигининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Эркинлик шахсга хос хусусиятдир. Жамият қанчалик юқори даражада ривожланган бўлса, шахснинг эркинлиги ва фаоллиги ҳам шунчалик тўлиқ, кенг бўлади.

Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистонда шахснинг эркинлиги ва фаоллиги фақат Конституция ва қонунларда расмий ёзилган бўлиб, амалда эса шахс бундай эркинликлардан фойдалана олмас эди.

Шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шахснинг эркинликлари ва фаоллиги тўғрисидаги муаммо энг мураккаб ижтимоий масалалардан биридир. Буюк мутафаккир Фирдавсийнинг фикрича, барча нарсанинг ижодкори фақатгина инсондир.

У шундай ёзади:

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,

Инсонсиз дунёда йўқ фаровонлик.

Инсон жамоа таъсирида ўз шахсиятини, эркинликларини ва фаоллигини шакллантира боради, яъни ижтимоий муносабатларда иштирок этади, меҳнат қилади, маданий бойликлар яратади. Шахснинг инсон сифатида жамиятда тутган ўрни, эркинлиги ва фаоллиги, инсоний фазилатлари, қадриятлари ҳақида жуда қадимдан буюк мутафаккирлар,

алломалар ва донишмандлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Улар инсоннинг дунёда чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини ёқлаб чиққанлар. Масалан, Форобийнинг фикрича, жамиятда яшовчи шахсларнинг ўзаро муносабатлари, эркинликлари ва фаоллиги, ижтимоий фаолиятлари, бахт-саодатга эришишлари унга аъзо бўлган инсонларга боғлиқдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам инсонлар жамоасини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, дунёда кишилар бир-бирига ёрдам берсалар, уларнинг эркинликлари ва фаоллиги таъминланса, бундай жамиятда улар бахт-саодатга эришадилар.

***78-савол. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш
жараёнларидан кенг аҳоли қатлами қандай тартибда
бохабар бўлиши мумкин?***

Амалдаги Қонунда белгиланганидек, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

***79-савол. Сайлов комиссиялари қайси ҳолатларда қарорлар қабул
қиладилар?***

Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

***80-савол. Участка сайлов комиссияларининг қарорлари
устидан тушган шикоятларни кўриб
чиқиш тартиби қандай?***

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганлигидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин, ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб

тушгандан кейин, уч кун ичидан сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳатти ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

81-савол. Участка сайлов комиссияси томонидан тузиб тасдиқланган сайловчилар рўйхатлари хусусидаги баҳслар ва уларни ҳал этиш тартиби қандай?

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризага унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг ҳатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

82-савол. Сайловга овоз бериш қачон ва қайси пайтда ўтказилади?

Овоз бериш сайлов куни 6⁰⁰ дан соат 20⁰⁰ гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан ҳамда камида 10 кун олдин хабардор қилади.

83-савол. Бирон бир сабаб билан сайловга келолмаган ёки сайлов куни яшаш жойида бўлмаган фуқаро қандай тартибда овоз бериши мумкин?

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиши имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширин ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақаси нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиги ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирор бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

84-савол. Сайлов жараёни нима?

Сайлов жараёни – сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга ошириладиган тадбир ва чоралар мажмуидан иборатдир.

85-савол. Сайлов жараёни қандай босқичлардан иборат?

Одатда, сайлов жараёни тўрт босқични ўз ичига олади:

1. сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш;
2. сайловлар кунини белгилаш, номзодлар кўрсатиш;
3. сайловолди кураши, овоз бериш;
4. овозларни ҳисоблаш, овоз бериш натижаларини аниқлаш.

86-савол. Сайлов органларининг ташкил этилиш тартиби барча давлатларда бир хилми?

Йўқ, бир хил эмас, улар турлича ташкил этилади ва турлича фаолият юритади. Масалан, айрим давлатларда Марказий сайлов органи вазифасини Ички Ишлар Вазирлиги бажаради (Англия, Франция, Италия), айрим давлатларда, хусусан, Лотин Америкаси давлатларида сайлов трибуналлари, бошқа давлатларда эса махсус сайлов комиссиялари тузилади (Германия, Австрия, Мексика), Коста-Рикада сайлов органларини судлар шакллантиради.

Ўзбекистонда юқори сайлов органи Марказий сайлов комиссияси ҳисобланиб, уни тузиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

87-модда. Сайловларни давлат томонидан молиялаштириш тартиби яна қайси мамлакатларда мавжуд?

Ҳақиқатан, айрим давлатларда сайловлар давлат томонидан молиялаштирилади, масалан, Скандинавия давлатларида, Германияда, АҚШда қисман молиялаштирилади.

88. Бевосита овоз бериш жараёни қай тариқа юз беради?

Кўп давлатларда овоз бериш жараёни яширин тарзда амалга оширилади, овоз бериш бевосита сайлов бюллетенларини тўлдириш орқали кечади. Расмий сайлов бюллетенлари – тегишли матн ва номзодларнинг исми шарифи туширилган махсус варақалар бўлиб, улар давлат органлари томонидан чоп этилади. Бу бюллетенларни олган сайловчи унга ким учун овоз берганлигини аниқ кўрсатиб турадиган тегишли белгиларни қўяди.

**89. Овозларни ҳисоблаш тартиби барча давлатларда
бир хилми?**

Деярли бир хил, яъни сайлов участкасида берилган овозлар сайлов участкаси комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади, бунда партиялар ва халқаро ташкилотлари вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

90-савол. Такрорий овоз бериш қандай амалга оширилади?

Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуот эълон қилинади.

91. Такрорий сайлов нимани англатади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ва ундаги шартларда риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

**92-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказувчи сайлов комиссиялари қандай амалга
оширилади?**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш қуйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари;

**93-савол. Сайлов комиссияларининг иши қандай ташкил
этилади?**

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очик овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баёнига илова қилинади.

Сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиями аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқига комиссия тузган орган эга бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифасини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

94. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни кўрсатиш қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

95-савол. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиш учун сиёсий партиялар қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

- сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза;
- адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумот.

96-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга ушбу Қонуннинг 24²-моддасида белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахс ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қуйидагилар:

- қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;
- ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

97-савол. Қандай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилади?

Сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

**98-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўйилган
номзод номзодликдан воз кечиши мумкинми?**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловга кечи билан етти кун қолганида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

**99-савол. Сизнинг фикрингизча, Президент сайловида ким ғолиб
чиқади?**

Натижалар фақатгина овозларни санаб чиқишдан кейин маълум бўлади.

**100-савол. Биринчи марта овоз берадиган сайловчиларнинг сони
нечтадан иборат?**

Бизнинг мамлакатимизда 21 миллион 435 минг сайловчи қайд этилган шулардан 10 миллион 825 минг ортиқ – аёллар ва 555 мингдан ортиқ биринчи март овоз берадиган ёшлар. Бироқ бу ҳали яна аниқланмоқда⁵.

⁵ Сайлов: саволлар ва жавоблар. 2016.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Сайлови тўғрисида”ги Қонуни. Т. 2016.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни. Т. 2015.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Т.2013.
5. Хожиев Э.Т., Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик. Т. 2016.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. Т. 2016.
7. Шамсутдинов Б.И., Холмахматов А.Х. Ёш сайловчилар учун савол-жавоблар. Т. 2016.
8. Шамсутдинов Б.И., Холмахматов А.Х. Ўзбекистон Республикасида сайлов Қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик. Т. 2016.
9. Маликова Г.Р. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари: саволлар ва жавоблар. Т. 2016.
10. Джафакова К.В. Президент сайлови ва сиёсий партиялар. (100 савол ва 100 жавоб). Т. 2016.
11. Алоев У.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти айловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари. (Ташкилий-ҳуқуқий масалалар).
- 12.